



ҚАРОРИ

ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри

Ноқис қаласы

№ 592

«18» август 2017 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил  
11августдаги Фуқаролар йиғини хузуридаги “Ота-оналар университети”  
жамоатчилик тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш  
тўғрисидаги 621-сонли қарори ҳақида**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларихудудидаги оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини оширишда ёрдам бериш, шу жумладан уларнинг бу борадаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишга кўмаклашиш ишларини - янада такомиллаштириш мақсадидаЎзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11августдаги «Фуқаролар йиғини хузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш»тўғрисидаги 621-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11августдаги «Фуқаролар йиғини хузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш» тўғрисидаги 621-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

а) Фуқаролар йиғини хузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ маъқулланиши;

в) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ижро аппарати манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаларида ота-оналарнинг билимларини оширишга қаратилган машғулотларни ўтказиш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда барча фуқаролар йиғинларини таъминлаши;

б) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:



-икки ой муддатда барча фуқаролар йиғинларихузурида “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаларининг ташкил этилишини ҳамда тасдиқланган намунавий низом асосида ушбу жамоатчилик тузилмаларининг низомлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаши;

-уч ой муддатда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари ва аъзоларининг малакасини оширишга доир ўқув семинарларини ўтказиши;

-ҳар йили “Фуқаролар йиғини хузуридаги энг намунали “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси” кўрик-танловини ўтказишниўлга қўйиш;

-ушбу қарорнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ҳамда ҳар чоракда Фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига маълумотларни тақдим этиб бориш тавсия этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаларида ота-оналарнинг билимларини оширишга қаратилган машғулотларни ўтказиш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқсин ҳамда барча фуқаролар йиғинларини таъминласин.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгашигаНукус шаҳарва туманлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

-икки ой муддатда барча фуқаролар йиғинларихузурида “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаларининг ташкил этилишини ҳамда тасдиқланган намунавий низом асосида ушбу жамоатчилик тузилмаларининг низомлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш;

-уч ой муддатда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари ва аъзоларининг малакасини оширишга доир ўқув семинарларини ўтказиш;

-ҳар йили “Фуқаролар йиғини хузуридаги энг намунали “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси” кўрик-танловини ўтказишниўлга қўйиш;

-ушбу қарорнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ҳамда ҳар чоракда Фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органлари



фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгашига маълумотларни тақдим этиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

 **Қ.Сариев**